

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев А.Б.

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
“Прокурорлик фаолияти” йўналиши магистратура тингловчиси*

Аннотация. Илмий мақолада жиноий жазолар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш айрим масалалари ва хусусиятлари, мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда уларни миллий қонунчиликда қўллаш истиқболлари таҳлил қилинган.

Аннотация. В научной статье анализируются некоторые вопросы и особенности осуществления прокурорского контроля за исполнением уголовных наказаний, опыт зарубежных стран в этой области и перспективы их закрепления в национальном законодательстве.

Abstract. The scientific article analyzes the procedure for considering investment disputes by administrative courts, issues of responsibility and jurisdiction.

Калит сўзлар: жиноий жазо, жазоларни ижро этиш, прокурор назорати, маҳкум, прокурор ваколатлари.

Ключевые слова: уголовное наказание, исполнение наказаний, надзор прокурора, обвинительный приговор, полномочия прокурора.

Key words: criminal punishment, execution of penalties, supervision of the prosecutor, conviction, powers of the prosecutor.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ тизимида Прокуратура органлари алоҳида ўринга эга ва улар бевосита давлатда Конституция ва қонунларга риоя қилиниши ҳамда уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш функциясини бажаради. Прокуратура органларининг шундай функцияларидан бири бу – жиноий жазолар ижроси устидан назоратни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2001 йил 29 августда қабул қилинган бўлиб, айрим ўзгартиришлар киритилган ҳолда шу кунгача амал қилиб келмоқда. Ислохотлар натижасида Қонун нормалари анча сайқалланди, замон талабидан келиб чиқиб ижтимоий муносабатлар ривожлангани сари у ҳам анча мукамал тус олди. Бироқ, шу билан бирга эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Мазкур Қонуннинг 4-боби прокурор томонидан ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш доираси ва прокурорнинг бу

борадаги ваколатларини назарда тутати. Қонуннинг 30-моддасида прокурорнинг жиноий жазолар ижроси устидан назорат предмети белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонунчиликка риоя этилиши;
- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши;
- жиноят-ижроия қонунчилигини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши.

Ушбу Қонуннинг 31-моддасида эса бу борадаги вазифаларни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Прокуратура органларининг жиноий жазолар ижроси устидан назоратни амалга оширишда хорижий давлатлар, хусусан қўшни Қозоғистон қонунчилигига аҳамият берадиган бўлсак, Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига кўра, прокурор ижро процесси қонунийлигини назорат қилишда қуйидаги ваколатларга эга:

- ҳибсга олинганлар ва судланган шахсларга нисбатан Конституция, Қонунлар ва Халқаро шартномаларнинг бир хилда қўлланилишини талаб қилиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро процессларини талаб қилиш;
- озодликдан маҳрум қилиш жойлари ва бошқа муассасаларга текшириш мақсадида исталган вақтда ташриф буюриш;
- ҳибсга олинганларни, маҳкумларни ва мажбурий чоралар кўрилган шахсларни сўроқ қилиш;
- озодликдан маҳрум қилинган жойларда ноқонуний сақланаётган ҳар бир кишини ўз қарори билан дарҳол озод қилиш;
- қонунни бузган ҳолда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан интизомий чораларни бекор қилиш¹.

Юқоридаги масала бўйича Қозоғистон ва миллий қонунчилик тизимимизни солиштирганда айрим фарқли жихатларни кўриш мумкин. Жумладан, Қозоғистон Республикаси қонунчилигига кўра, ҳибсга олинганлар ва судланган шахсларга нисбатан Конституция, Қонунлар ва Халқаро шартномаларнинг бир

¹ Конституционный закон Республики Казахстан от 5 ноября 2022 года № 155-VII «О прокуратуре».

хилда қўлланилишини талаб қилиш прокурорнинг жиноий жазолар ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатлари қаторида биринчилардан бўлиб тилга олинган. Бунда иккита нарсага алоҳида эътибор қаратишимиз мумкин:

Биринчидан, мазкур норма билан Қозоғистон Республикаси Конституцияси нормаларининг олий юридик кучга эгаллиги ва бир хилда, аниқ қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш белгиланган. Аҳамиятли жиҳати шуки, бу билан биринчи навбатда Конституция нормаларига риоя қилинишига алоҳида урғу берилган.

Иккинчидан, Қозоғистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида Халқаро шартномалар нормаларига аниқ ва бир хилда риоя қилинишини қонун билан мустаҳкамлаган. Бу шуни англатадики, ижро жараёнларини амалга оширишда нафақат миллий қонунчилик нормаларига, балки Қозоғистон имзолаган ёки ратификация қилган Халқаро шартнома қоидаларига ҳам амал қилиш лозимлиги назарда тутилган.

Бироқ, миллий қонунчиликда жазони ижро этишда прокурор назоратини амалга ошириш учун берилган ваколатларда халқаро шартнома нормаларига риоя қилиниши тўғрисида норма келтирилмаган. Фикримизча, юқорида Қозоғистон қонунчилиги ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликда қўллайдиган бўлсак мавжуд “Прокуратура тўғрисида”ги қонунни мукамаллаштиришга ёрдам беради.

Шунингдек, Украина “Прокуратураси тўғрисида”ги Қонунида ҳам жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишда, шунингдек фуқароларнинг шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бошқа мажбурий чораларни қўллашда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим нормалар белгиланган. Хусусан, Қонуннинг 26-моддасига кўра, прокурор жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишда, шунингдек фуқароларнинг органлар ва муассасаларда шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бошқа мажбурий характердаги чора-тадбирларни қўллашда қонунларга риоя этилиши устидан мунтазам текширувлар ўтказиш йўли билан, шунингдек шикоятлар, мурожаатлар ёки шикоятларда мавжуд бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги маълумотларга тегишли жавоб бериш зарурати билан боғлиқ ҳолда назоратни амалга ошириши белгилаб берилган. Прокурор ушбу текширув жараёнида маълум доирадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда текширувни амалга ошириши мумкин.

Фикримизча, миллий қонунчилигимизда жиноий жазолар ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасида прокурорнинг ваколатлари қаторига текширув жараёнида мутахассисларни жалб қилиши тўғрисидаги нормани акс эттириш мақсадга мувофиқ. Сабабини қуйидагича изохлашимиз мумкин.

Прокурор жазонинг ижро этилиши нуктаи назаридан қонунларга риоя қилиниши назоратини амалга оширади. Аммо маҳкумнинг ҳуқуқини чеклаш ёки унга бошқа томондан таъсир қилиши каби ҳолатларни, мисол учун, психологик (руҳий) жиҳатдан таъсирларни прокурор билмаслиги мумкин. Шундай ҳолда ҳар соҳанинг мутахассиси томонидан текширув ёки назорат амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Буни худди қонунчилик нормалари ижроси ва унга амал қилиниши устидан прокурор назорати амалга оширилишига қиёсласак бўлади.

Жиноий жазолар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида Беларус Республикаси қонунчилигида ҳам ижобий жиҳатлар мавжуд. Беларус Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 20-моддасига мувофиқ жазо ва жиноий жавобгарлик чораларини амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан жиноий жазоларни ижро этишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Беларус Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган². “Прокуратура тўғрисида”ги Беларус Республикаси Қонуни 8-боби “*Жазо ва бошқа жавобгарлик чораларини, мажбурий характердаги чораларни, шунингдек ижро ҳужжатларини ижро этишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши*” деб номланиб, ушбу боб доирасида жазо ва бошқа жиноий жавобгарлик таъсир чоралари қўлланилишининг қонунийлиги назорат қилиш предметлар ҳамда ушбу жараёнда прокурорларга берилган ваколатлар белгилаб қўйилган³.

Беларус Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларининг жиноий жазолар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш предметида фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Беларус қонунчилигида ҳуқуқий таъсир чоралари қонуннинг ўзида аниқ кўрсатилиб ўтилган. Мисол учун, мажбурий даволаш, тарбиявий характердаги, тиббий-меҳнат профилактикалари кабиларини келтиришимиз мумкин. Миллий қонунчилигимизда жиноий жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари сифатида умумий мазмунда айтиб ўтилган. Қонунчилик ижроси ягона ва бир хилда бажарилишида таъсир чораларнинг аниқ қилиб кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Фарқли жиҳатлардан бири бу – аниқланган қонун бузилишлари фактлари бўйича мансабдор шахслардан ва бошқа фуқаролардан ёзма тушунтиришларни талаб қилиш ваколати. Ушбу норма миллий қонунчиликда акс этмаган. Миллий қонунчиликда агар таъсир чораси қонунга хилоф равишда амалга ошириладиган бўлса, юқори турувчи прокурорга хабар бериши кўрсатилган. Бевосита текширувни амалга ошираётган прокурор томонидан жазони ижро этиш

² Уголовно-исполнительный кодекс Республики Беларусь 11 января 2000 г. № 365-з.

³ Закон “О прокуратуре” Республики Беларусь.

муассасаси мансабдор шахслардан ёзма тушунтиришлар олиши назарда тутилмаган.

Иккинчидан, ахлоқ тузатиш муассасаси бошлиғининг махсус ҳолат режимини жорий этиш тўғрисидаги ноқонуний қарорларини бекор қилиш. Ушбу ваколат билан прокурорга маъмурий органнинг мансабдор шахси қарорини бекор қилиш ваколоти берилишини тушунишимиз мумкин. Миллий қонунчиликда эса, прокурорга берилган ваколат доирасида жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг қарорларини бекор қилиш ваколоти кўрсатилмаган. Миллий қонунчилик бўйича прокурор ушбу ҳолатда қабул қилинган қарорнинг қонунчиликка риоя қилинаган ҳолда чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги назоратини амалга оширади. Миллий қонунчилик бўйича амалга оширилган таъсир чорасини бекор қилиши мумкинлиги ҳамда қўлланилган таъсир чорасининг ноқонунийлиги ҳақида юқори турувчи прокурорни огоҳлантириши кераклиги белгилаб берилган. Аммо мансабдор шахсининг қарорини бекор қилиш ваколоти кўрсатиб ўтилмаган.

Учинчидан, белгиланган тартибда расмий огоҳлантиришлар беради, шунингдек тегишли давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади, протестлар келтиради, кўрсатмалар ва қарорлар чиқариши каби ваколатларни ҳам келтиришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда жиноий жазоларни ижро этишда прокурорга бериладиган ваколатлар доирасида расмий огоҳлантириш бериш ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилиши ваколоти киритилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатларнинг жиноий жазоларни ижро этишда прокурорнинг назоратни амалга оширишдаги ваколатлари ҳамда бу бўйича прокурор назорат предметлари юзасидан баъзи жиҳатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ижобий самара беради.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон
2. Конституционный закон Республики Казахстан от 5 ноября 2022 года № 155-VII «О прокуратуре».
3. Уголовно-исполнительный кодекс Республики Беларусь 11 января 2000 г. № 365-з.
4. Закон “О прокуратуре” Республики Беларусь.
5. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H10700220>
6. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31771762